



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“26” май 2021 й. № 02-06/2643

**Оммавий ахборот воситалари,
рақамли телевидение хизматларини
кўрсатувчи провайдерлар,
кабель телевидениялари,
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Охирги вақтда, оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда биологик фаол қўшимчалар (БАД), малҳамлар, суртмалар, бальзамлар, дамламалар, шифобахш сувлар рекламасида тиббиёт ходимлари ёки ташқи кўриниши шифокорларнинг ташқи қиёфасига ўхшаш шахслар иштирокидан фойдаланиш кескин фаоллашганлиги кузатилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу маҳсулотлар рекламасида кўплаб ташхисларга шифокорлар томонидан маслаҳатлар берилиши, рекламадан фойдаланувчиларга маҳсулотларни тавсия этиш ҳолатлари намоён этилмоқда.

Ўз навбатида, маҳсулотларнинг кимёвий таркиби ёки унинг алоҳида компонентларини қабул қилиш ноҳўя таъсирларга олиб келиши мумкин бўлган касалликлар мавжуд ёки ушбу компонентларга аллергия реакция бўлиши мумкин.

Шунингдек, препаратларнинг алоҳида компонентлари турли хил одамларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Инсон соғлиғи билан боғлиқ бўлган маҳсулотларни қўллашдан олдин унинг таркибини чуқур ўрганиш ва даволовчи шифокор билан маслаҳатлашиш талаб қилинади.

Бироқ, биологик фаол қўшимчалар (БАД), малҳамлар, суртмалар, бальзамлар, дамламалар, шифобахш сувларни касаллик келиб чиқиш сабабларини ўрганмасдан тавсиялар бериш, инсонларнинг ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишончлик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги Низомнинг (*рўйхат рақами 1024, 06.04.2001 й.*) 19-бандида биологик фаол озик-овқат қўшимчалари рекламасига қўйилган талаблар келтирилган. Бунда, биологик фаол озик-овқат қўшилмаларининг (БАД) рекламаси маҳсулот давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш тақиқланади.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: КМ63576776

Юқоридагиларга асосан, реклама берувчи ва таркатувчилар аниқлик, ишончлилик таъминлашга қатъий амал қилишлари, дори воситаларига аҳолининг ишончини йўқотишга уринишларни тўхтатишлари, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ва энг асосийси истеъмолчиларни жалғатадиган, ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида таркатмасликлари сўралади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида огоҳлантирамыз.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов

*Ижр. А.Ахмедов
71-207-46-00 (ички. 318)*